

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИ
МЕЪМОРЧИЛИГИ ВА ҚУРИЛИШ
МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Ҳайдаров Зухридин Рабиевич, “ТИҚҲММИ” МТУ мустақил
тадқиқотчisi**

**FEATURES OF SOVIET ARCHITECTURE AND
CONSTRUCTION CULTURE IN UZBEKISTAN**

***Haidarov Zuhriddin Rabievich, independent researcher of
“ТИҚҲММИ” МТУ***



[https://orcid.org/0009-0003-
2221-8422](https://orcid.org/0009-0003-2221-8422)
e-mail: hzurik@mail.ru

**ОСОБЕННОСТИ СОВЕТСКОЙ АРХИТЕКТУРЫ
И КУЛЬТУРА СТРОИТЕЛЬСТВА В
УЗБЕКИСТАНЕ**

**Ҳайдаров Зухридин Рабиевич, НИУ “ТИИМСХ”,
исследователь**

Аннотация: Уибу мақолада совет тузуми шароитида Ўзбекистонда амалга оширилган қурилиши ишлари, мазкур қурилиши маданиятининг мафкурага бўйсундирилганлиги, миллий қурилиши маданияти ва анъаналари топталишининг асосий хусусиятлари очиб берилган.

Калим сўзлар: шаҳарсозлик маданияти, меъморчилик, қурилиши, совет тузуми, конструктивизм, қилилоқ архитектураси, маданий-машии, маъмурий ва турар жой бинолари, жамоат бинолари, жамоат бинолари канализация тизими, экология ва атроф муҳитнинг ифлосланиши.

Abstract: This article reveals the main features of construction work carried out in Uzbekistan under Soviet rule, the subordination of this construction culture to ideology, the consolidation of national construction culture and traditions.

Keywords: urban development culture, architecture, construction, Soviet system, constructivism, rural architecture, cultural and domestic, administrative and residential buildings, public buildings, sewerage, pollution of ecology and the environment.

Аннотация: В данной статье раскрываются основные особенности строительных работ, проводившихся в Узбекистане при советской власти, подчинение этой строительной культуры идеологии, консолидация национальной строительной культуры и традиций.

Ключевые слова: культура градостроительства, архитектура, строительство, советский строй, конструктивизм, сельская архитектура, культурно-бытовые, административные и жилые здания, общественные здания, канализация, загрязнение экологии и окружающей среды.

КИРИШ. Ўзбекистон замини энг қадимги давлардан давлатчилик анъаналар ривожланган ҳудуд ҳисобланади. Мазкур давлатларда жойлашган дастлабки шаҳарларда ўзига хос ноёб меъморчилик обидалари яратилган. Ҳозирги кунда 2500 йиллик юбилейлари нишонланган Самарқанд, Бухоро ва Хива, Шахрисабз,

Тошкент каби шаҳарларда ушбу обидаларнинг бетакор намуналари бизгача етиб келган. Бироқ Ватанимиз замини бир неча маротаба чет эл босқинчилари хужумига учраб, кўплаб обидалар вайрон этилди. Айниқса мўғуллар истилоси даврида Самарқанд, Бухоро, Урганч каби ўша

даврнинг энг юксак маданият ўчоқлари бўлган шаҳарлар ер билан яксон қилинди, ёндирилди.

Амир Темур даврида бошланган янги уйғониш даврида мамлакатда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, ўзбек давлатчилиги тарихида янги саҳифа очилди. Унинг саъй-ҳаракати билан Самарқанд, Шахрисабз ва кўплаб шаҳарларда барпо этилган ва кўплари бизгача етиб келган бинолар бугунги кунда дунё томонидан Ўзбекистоннинг меъморчилик ютуқлари сифатида танилмоқда.

Меъморий обидаларимизга нисбатан босқинчилар томонидан вайронкор сиёsat совет ҳокимияти йилларида ҳам жадаллик билан олиб борилди. Бу биринчи навбатда ўша давр мафқуроси учун хизмат қилган бўлса, иккинчи навбатда гўёки мамлакат ахолиси учун қулай бўлган бинолар қуриш орқали миллий меъморчилик анъаналарини йўқ қилиш мақсад қилинган эди.

Ўзбекистонда совет ҳокимиияти ўрнатилгач, меъморчилиқдаги ўзбек халқ анъаналарига эътибор сусайди. Асосан марказ буйруғи ва топшириғи билангина қурилишлар олиб бориладиган бўлди. Марказдан юборилган архитекторлардан иборат мутахассислар ўзбек халқ меъморчилигига беписанд равишда бинолар лойиҳалаштирилиб қурила бошланди. Тажрибали халқ меъморлари оддий қурувчи уста ҳолига тушиб қолдилар ва барча иншоотлар марказ томонидан белгиланган қоидалар асосида қуриладиган бўлди[1].

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ. Совет тузуми йилларида Ўзбекистонда меъморчилик ва қурилиш ахволини шартли равишида тўрт қисмга ажратиш мумкин.

Биринчи давр, 1917-1941 йилларни ўз ичига олади. Бу йилларда ўзбек миллий меъморчилик анъаналарига зарба берилиб, совет тузумининг мафқуроси асосида биноларнинг миллий кўриниши ўрнига кўпроқ европача кўринишдаги иншоотлар қурилди. Баъзи архитекторлар томонидан қурилган маданий-маиший ва маъмурий биноларда шарқ меъморчилиги элементларидан ҳам фойдаланилди. Бунга ўша йилларда совет архитектори А.Н.Сидоров лойиҳалаштирган “Ватан” кинотеатри (ҳозир унинг ўрнида Ўзбек

Миллий Академик драма театри), Г.М.Сваричевский томонидан лойиҳаланган Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми биноси, Е.А.Жилуйда лойиҳалаштирган Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети каби биноларни мисол қилиш мумкин[2].

Иккинчи давр, 1941-1954 йилларни ўз ичига олган бўлиб, иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистондаги қурилишлар фронт минтақасида жойлашган худудлардан кўплаб саноат корхоналарининг республикамизга кўчириб келтирилиши ва жойлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда олиб борилди. Мазкур даврда Ўзбекистонда бир гурух архитекторлар ҳам эвакуация қилинган. Улар орасида Н.Н.Гордеева, П.А.Дуда-Дудинский, Ю.В.Коростелев, А.Н.Сидоров, Л.Н.Травянко, Д.Б.Хазанов каби архитекторлар бор эди. Бу йилларда марказга ўзбекистондан кўплаб ер ости қазилма бойликларни жўнатиш авж олиб Чирчик ва Ангрен шаҳарларига асос солинди[2].

Учинчи давр, 1955-1965 йилларни ўз ичига олиб бу даврда маданий-маиший, маъмурий ва турар жой биноларини қуриш ҳажми анча кўпайди. Бу даврдаги қурилишларнинг боришида СССР хукуматининг 1955 йил 4 ноябрдаги “Лойиҳалаш ва қури-лишдаги ортиқаликка барҳам бериш” деб номланган Қарори асосий кўрсатма бўлди. Мазкур Қарор меъморларнинг ижодий изланишларига катта тўсик бўлиб, биноларни бир хил қолипда, кўримсиз ҳолда қурилишига олиб келди[3].

Тўртингчи давр, 1966 йилги Тошкент зилзиласи ва ундан кейинги даврларни ўз ичига олади. Тошкент зилзиласи оқибатларини тутатиши мақсадида Ўзбекистонга Марказ йўланмаси билан кўплаб архитекторлар ва қурувчилар сафарбар этилди. Улар орасида Москва “Гипрогор”идан келган А.Фирсов, Аир-Бабамян, С.Райтман, В.Висоцкий, В.Рачегов, Ю.Раненский, В.Стейскal, В.Гинзбург каби архитекторлар турар жой биноларини қуриш ишига киришдилар. Пойтахт Тошкентнинг аввалги бош режаси қайтадан кўриб чиқилди ва унинг қурилиши, реконструкцияси марказнинг кўрсатмалари асосида амалга оширила бошлади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ. Тадқиқотда тизимли-таҳлил, тарихийлик,

мантиқийлик, комплекс ёндашув, методологияларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР. Лойиҳаларда қадимий ёдгорликларни асраб-авайлаш қоидаларига эътибор берилмади. Ҳатто “Тошбошрежа” лойиҳалаш институти Бешёғоч яқинидаги Абулқосим мадрасасини бузуб ташлаш ва ўрида эса дарахтзор боғ ташкил этиб, улкан фаввора қуришни режалаштиради. Мазкур лойиҳа амалга ошганда бугунги кунда қад ростлаб турган мадраса йўқ бўлиб кетган бўларди. Ушбу мантиқиз лойиҳани тўхтатиш учун ўша йиллари кўпгина маҳаллий жонкуяр кишилар бундай ноўрин лойиҳаларнинг аянчли оқибатлари тўғрисида жамоатчиликни огоҳлантириб қадимий обидани сақлаб қолишга эришдилар[4].

Совет тузуми йилларида Ўзбекистонда олиб борилган қурилиш ўша даврнинг хукмрон мағкураси тазики остида олиб борилиб, асосий кўзланган мақсад ўзбек халқи анъаналарини йўқ қилиш, ривожига тўсиқ бўлиш ва “интернационализм”ни рўкач қилиб миллий қадриятларга барҳам бериш эди. Шунинг учун ҳам биноларни лойиҳалашда миллий шарт-шароитлар, ўзбек халқининг серфарзандлиги, иқлим шароити умуман ҳисобга олинмади.

Янгидан янги қурилиш техникалари, қурилиш материаллари пайдо бўлиб, темирбетон конструкцияларнинг, ойналарнинг кенг кўлланиши охир-оқибат миллий республика архитектурасида миллий қиёфасининг йўқота боришга олиб келди[5].

Собиқ совет тузуми йилларида Ўзбекистондаги қишлоқлар архитектураси ривожи ҳам турли нуқсонларга дучор этилди. Қишлоқ жойларининг қурилиши лойиҳаларда кўп ҳолларда пухта ишлаб чиқилмас эди. Бундай лойиҳаларда ҳалқнинг турмуш-тарзи ва миллий анъаналири умуман инобатга олинмаган. Мазкур лойиҳалар асосида қурилган маданий-маиший иншоотлар нотекис жойлаштирилганлиги туфайли аҳолига қийинчиликлар туғдиради. Қишлоқ аҳолиси поликлиникаларга, шифохоналарга, клубларга боришлиари учун узок йўл босиб ўтишлари лозим бўларди[6].

Бир қатор архитекторлар, жумладан, А.Бобохонов, В.Дмитриев, В.Жаҳонгировлар томонидан ижодий изланишлар олиб борилиб, ўша йилларда қишлоқ аҳолиси учун

мўлжалланган жамоат биноларини ва турар-жой биноларини лойиҳалашда миллий архитектура элементларидан фойдаланишга ҳаракат қилинди. Лекин бу ташабbusлар ҳаётга кенгроқ татбиқ этилмади. 1965 йилдан бошлаб бирча қишлоқ аҳоли пунктларига мўлжалланган бир хил кўринишдаги намунавий турар-жой бинолари, маданий-маиший иншоотларни лойиҳалаштиришга киришилди. Лойиҳаларда канализация тизими яхши йўлга қўйилмаганлиги натижасида мазкур бинолар олдидағи ариқлар доимо мағзаваларга, оқава сувларга тўлиб атроф-муҳитнинг ифлосланишига, пашша ва чивинларнинг урчишига олиб келди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Республиканинг қишлоқ аҳоли пунктлари, туман марказлари бир хил қиёфага кира бошлади. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон архитектура ва қурилиш соҳасидаги бундай нуқсонларнинг кўплаб учрашига асосий сабаб бу соҳа бўйича қонуний ҳужжатларнинг қабул қилинмаганлиги эди. Дунё мамлакатлари ичida биргина собиқ Иттифоқ ва Мўғулистан давлатларида қурилиш бўйича қонун қабул қилинмаган. Агар бу соҳадаги жаҳон тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, бутун дунёдаги давлатларда архитектура ва шаҳарсозлик муаммолари қонун йўли билан расмийлаштирилган бўлиб, масалан АҚШдаги йирик шаҳарлар марказида бирор бино иккинчисига ўхшамаслиги, яъни қайтарилмаслиги шартдир. Акс ҳолда бино муаллифи ҳам, бинони курган фирма ҳам қонунга мувофиқ жазоланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ваҳобова Н. Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари. Т. Ўзбекистон, 1973, 406.
2. Куренной В.Н. Градостроительство в Средней Азии структур. Автореф. Канд.дисс. Л. 1973.
3. Қодирова Т.Ф. Ўзбек совет архитектураси. Т. 1966, 476.
4. Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. Т. 2002, 2246.
5. Содикова Н. Талон-тарож қилинган мулк. Ўзбек халқи моддий ва маънавий бойликларини Туркистондан олиб кетиши тарихи. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 1991, 19-илова.
6. Маҳкамов А. Ўзбекистон қишлоқ архитектураси. Т., “Ўзбекистон”, 1983, 6-бет.